O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 3 октябрь, № 193 (4092) Сешанба



Ҳозирда Наманган вилоятида 70 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Албатта, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдираяпти, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.



## Сифат ва унумдорлик – БОШ МЕЗОН

"Муслим-Текс" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолиятини бошлаган пайтда ишчилар сони 110 кишини ташкил этарди. Кейинги пайтда корхонани модернизациялаш ва шу орқали ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши туфайли яна 133 та янги иш ўрни яратилди. Корхона маъмурияти томонидан ёш ишчиларни касбга қайта тайёрлаш ишлари талаб даражасида олиб борилгани эса маҳсулот сифати ва унумдорлик ошишига хизмат қилди. Хусусан, қўшма корхонада қисқа вақт ичида озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган полиэтилен қоплардан 17 млн. дона тайёрланиб, уларнинг асосий қисми экспорт қилинди. Ялпи маҳсулот ҳажми 2,3 млрд. сўмни ташкил этди.

**СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳа; қўшма корхона илғор ишчиси Дилфуза Отахонова.**

**Х. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Қарор ва ижро**

Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қисмини, шу жумладан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 7 сентябрдаги «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

## НУРОНИЙЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙМОҚДА

— Юртбошимизнинг ушбу қарори муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга молик бўлиб, кекса авлод вакилларини аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш борасида алоҳида ўрин тутади, — деди **Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев** ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Шу боис ташкилотимиз томонидан қарорда назарда тутилган барча вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб чиқилди.

Бугунги кунда юртимизда истиқомат қилаётган фахрийлар орасида 22 минг нафардан зиёд киши уруш қатнашчиси ва ногирони, 256 минг нафардан ортиқ фронт ортида меҳнат қилган нуроний, 30 минг нафардан зиёд ёлғиз ногирон пенсионер бор. Республикамизда уларга ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилаётир.

Хусусан, ўтган 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йилида 1,9 минг нафар ёлғиз нуронийнинг уй-жойи таъмирдан чиқарилди, кам таъминланган оилалар ва кекса фуқароларга 5 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Якка-ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, шунингдек кўп болали оилаларга кўрсатилган ижтимоий ёрдам ҳажми шу кунгача 47 миллиард сўмдан ошди.

«Нуроний» жамғармаси ҳисобидан 2005 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига 104 миллион сўм сарфланган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида ушбу хайрли мақсадларга йўналтирилган маблағ миқдори 112 миллион сўмни ташкил этди. Фахрийларнинг даволаш масканларига, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига 16 миллион сўмлик дори-дармон воситалари етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда нуронийлар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди

Тошкент шаҳрида фахрийларимизга барча қулайликларга эга 150 ўринли «Нуроний» шифохонаси беминнат хизмат қилмоқда. Бу йил ушбу шифо масканида яна мингдан зиёд нуроний ўз саломатлигини тиклаб, оиласи бағрига қайтиши мўлжалланяпти. Вилоят шифохоналари қошидаги касалхоналарда жамғарманинг вилоят бўлимлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг амалий ёрдами туфайли ташкил этилган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул даволовчи «Нуронийлар хоналари» фаолият кўрсатмоқда.

Саккиз минг нафар ёлғиз пенсионер ва ногирон яшаб турган ўттиздан зиёд «Саховат» ва «Мурувват» уйларининг моддий-техника базаси яхшиланаётир.

Бу борада тадбирларнинг тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва муассасалар билан ҳамкорликда ташкил қилиниши ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Жамғармамизда Дастурда назарда тутилган ёлғиз ногиронлар ва кекса фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, уларга геронтология ва гериатрия соҳасида кўрсатилаётган ёрдам сифати ҳамда уй-жой-маиший шароитини яхшилашга кўмаклашиш, «Саховат» ва «Мурувват» уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, усул ва технологияларини кенг татбиқ этиш юзасидан ҳам тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Турсунбой БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида "Фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда сайлов комиссиялари ва прокуратура органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Семинар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-терговчи ходимлари малакасини ошириш маркази билан биргаликда ташкил қилинди.

Семинарда Марказий сайлов комиссиясининг фуқаролар сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ўрни, сайлов комиссиялари ва прокуратура органлари ўртасидаги ҳамкорлик, миллий сайлов қонунчилигимиз ривожланиши масалалари, шунингдек, сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муаммолари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар савол-жавоблар, қизғин баҳс-мунозаралар, эркин фикр алмашинуви руҳида ўтди.

**(ЎзА).**

## БИЛИМ ДАРГОҲИДАН – КАТТА ҲАЁТГА

**Долзарб мавзу**

Бугун юртимизда барпо этилаётган янги таълим муассасаларию уларда яратилаётган шароитлар ҳақида кўп гапирамиз. Олий маълумотли ўғил-қизлар сафи кенгаяётгани билан фахрланамиз. Мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар, дарҳақиқат, мақтанишга арзигулик. Лекин бу мутахассислар муносиб иш ўринлари билан таъминланмас экан, уларнинг билим ва малакалари самарасиз бўлиб қолаверади.

Кейинги пайтда олий таълим муассасаларининг турли соҳа ва тармоқлар билан ҳамкорлигини яхшилашни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётган эди. Мамлакатимиз Президентининг "2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим ўзгаришлар ясади. Унда олий таълим муассасаларида давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни камида уч йил ишлаб бериш шарти билан корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш зарурлиги таъкидланганди. Ўшандан буён бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Хўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўтган давр мобайнида ушбу талабни амалга ошириш бўйича қатор ишлар қилинди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Кадрларни мақсадли тайёрлаш ва битирувчиларни ишга тақсимлаш бўлими мудири Фахриддин Мусаев. — Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари биргаликда "Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги Низомни ишлаб чиқди. Мазкур ҳужжат олий таълим даргоҳларида давлат грантлари асосида ўқиган талабаларни ишга тақсимлаш қоидалари ва тартибини ўзида мужассам этди.

Қабул қилинган Низомга мувофиқ, битирувчиларни ишга тақсимлаш уларнинг ўқишни тамомлашидан бир ой олдин амалга оширилади. Бу тадбир ҳар қайси олий таълим муассасасининг тақсимот комиссияси томонидан ўтказилади. Унинг таркибига олий ўқув юрти ректори, факультет декани, кафедра мудирлари ҳамда иш берувчи ташкилотлар вакиллари аъзо қилиб киритилади. Шунингдек, бу жараёнда ўқитувчилар ва ота-оналар ҳам иштирок этишлари мумкин. Бу эса ишга тақсимлашнинг адолатли ҳамда баҳамжиҳат ҳал этиш имконини бермоқда.

Айни пайтда олий таълим муассасаларига 2005-2006 ўқув йилида грант асосида ўқишга қабул қилинган талабалар билан ўқишни битирганидан сўнг 3 йил ишлаб бериш тўғрисидаги шартномалар расмийлаштирилди. Бу эса ҳар бир талабанинг тақсимот натижасида юбориладиган ташкилот ёки муассасада ишлаши учун олдиндан тайёрланиб бориши, бу борадаги масъулиятни ҳис этиши ва таҳсил жараёнида ана шу талабни инобатга олган ҳолда ўқишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасаларида ўтказилган маркетинг таҳлиллар натижасида республика миқёсида бакалаврлар, магистрлар ва махсус сиртқи таълим йўналишини битираётган мутахассисларнинг яшаш манзили, ишга тақсимланадиган жойи ҳақида маълумотлар тўплами ташкил этилди. Шунингдек, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларда ёш кадрлар мониторингини олиб бориш йўлга қўйилди.

Талаба бўлган киши борки, ўзи танлаган соҳанинг келажаги ҳақида ўйлайди. Биз ҳам "олтин давр"имизда ўқишни тамомлагач, қаерда ишлаш тўғрисида бош қотирардик. Турли саволлар, гумонлар хаёлимизни банд этган эди. Ҳозир эса ҳар бир олий таълим муассасасида иш берувчи ташкилотларнинг таклифлари асосида тузилган "эҳтиёжлар тўплами" бор. Эндиликда битирувчиларни ишга тақсимлашда айнан ана шу манбага таяниб иш олиб борилади. Яъни, ёшлар талабалигидаёқ ўзига маъқул иш ўрнини топиш имконига эгалар. Эътиборлиси, бундан шартнома бўйича ўқиган талабалар ҳам фойдаланиши мумкин. Ушбу усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, буюртмачиларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжига қараб, олий таълим муассасаларининг келгуси қабул квотасига тегишли тузатишлар киритилади.

— Очиғини айтсам, ҳали Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Миллий истиқлол ғояси, маънавият ва ҳуқуқ асослари факультетида ўқиб юрган кезларимдаёқ иш қидира бошлагандим, — дейди ўзини Акмал Мусурмонов деб таништирган йигит. — Лекин маъқул жой топилмади. Ўқишни битиришимиз арафасида Президентимиз талабаларни иш билан таъминлаш ҳақида қарор чиқарганини эшитдик. Кўп ўтмай Бўка тумани халқ таълими бўлимида иш бошладим. Ҳозир ишларим яхши. "Катта қозон"да қайнаб, тажриба орттираяпман. Муҳими, тенгдошларим орасида ўз ўрнимни топдим.

Ўтган йили ноябрь-декабрь ойларида жойларда семинар-кенгашлар ўтказилиб, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга тақсимлаш масаласи ўрганилган эди. Жорий йилда республикамиз олий ўқув юртларини 52 минг 285 нафар талаба битириб, ўз ихтисосликлари бўйича ишлаш учун турли соҳа ва тармоқларга йўл олди. Шулардан кундузги бўлимларда грант асосида 17 мингдан зиёд талаба бакалавриат бўйича, 1 минг 382 нафар талаба эса магистратура бўйича диплом олди. Улар юқорида айтиб ўтилган тартиб асосида иш ўринлари билан таъминланди.

Энди ўйлаб кўринг. Бу ёшларга шундай ғамхўрлик қилинмаганда, уларнинг тақдирида қандай ўзгаришлар содир бўларди? Кимдир ишсиз қолиб, яна кимдир ўзига номаълум бошқа соҳада тентираб юрмасмиди? Ғайратидан ўт чақнаган йигит-қизлар кутилмаган синовларга учраб, тушкунликка тушиб қолмасмиди? Оқибатда улар салбий таъсирларга берилувчан беқарор ва мўрт инсонларга айланиши мумкин эди.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш тизимининг жорий этилиши, аввало, ана шу вазиятнинг олдини олади. Ҳар бир ёш ҳаётда ўз ўрнини топса, турмушидан рози бўлиб яшайди ва ҳамиша эзгу ишлар билан машғул бўлади. Қолаверса, ушбу тартиб бозор иқтисодиёти қоидалари ва бугунги ҳаёт талабларига мослиги билан аҳамиятлидир. Бу орқали мутахассис ҳам, уни катта ҳаётга тайёрлаётган олий таълим муассасаси ҳам, жамият ҳам фойда кўради.

**Анвар САМАДОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Битта гап**

**Андрей ФУРСЕНКО,**
**Россия Федерацияси таълим ва илм-фан вазири:**

*Ўзбекистонда таълим ва илм-фан ислоҳоти давлат сиёсатининг иқтисодий асосига эга.*

*Обуна — 2006*

**ЭНГ ТЕЗКОР ВА ҲОЗИРЖАВОБ**

*«Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради»*

Ҳурматли муштарий! Юқоридаги сўзлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган, Сенат маъқуллаган, Президент имзолаган қонунларимизнинг сўнгги моддасида ёзиб қўйилишини яхши биласиз.

Расмий эълон эса, биринчи бўлиб

**«Халқ сўзи»** ва **«Народное слово»**

газеталарида, ўқувчига қулай бўлиши учун китобча шаклида, амалга оширилади.

Ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, қонунларсиз олға қадам ташлолмаслигимиз турган гап.

Айни пайтда бизнинг газета ҳафта мобайнида ҳар куни (якшанба ва душанбадан ташқари) чоп этиладиган даврий нашрдир. Жаҳондаги энг муҳим воқеалар, депутатлар ва сенаторлар фаолияти, юртимиздаги ибратли ишлар, эзгу ташаббуслар ҳақида энг тезкор ва ҳозиржавоб мақолаларни ўзбек ва рус тилларида фақат ва фақат «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» саҳифаларида ўқишингиз мумкин.

Фақат ўз вақтида расмийлаштирилган обуна ушбу нашрларни мунтазам олишингизга кафолат беради.

**Бугунги давр талабларига жавоб берадиган, корхона ва ташкилотларнинг юксак савияли раҳбарлари обуна масаласини ҳозирдан ҳал этмоқдалар.**

КЕЧИККАН АРМОНДА ҚОЛАДИ, ШУНИ УНУТМАНГ!

**НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА**

**ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДАМИ?**

(«Халқ сўзи» 2006 йил, 27 июль)



***Мазкур мақолага мутасаддилар жавоб берадилар.***

**ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ**

***Мамлакатимизда бугун 7704 нафар диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият юритмоқда.***

**САҲНА – ТАРБИЯ ДАРГОҲИ**



***Юртимиз театрлари кекса санъатшунос нигоҳида.***

# ШУНДАЙ БАЙРАМ ҚАЙДА БОР?!

## Ўтган ҳафтага назар

**Сентябрнинг сўнгги ҳафтаси Ўзбекистон ташқи сиёсати бобида Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сукнинг юртимизга ташрифидан бошланди. Қитъамизда иқтисодий тараққий этган мамлакатлардан бири — Жанубий Корея билан ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги тасодифий эмас, албатта. Бундан ўттиз-қирқ йиллар муқаддам қолоқ мамлакатлар сирасига кирган Корея Республикаси бозор иқтисодиёти қонуниятига таяниб тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиш мумкинлигини амалда намоён этган давлатдир.**

Ўзбекистонда бу мамлакат ишбилармонлари сармояси ҳисобига ишлаётган қўшма корхоналар бозор муносабатларини жорий этишда намуна бўлаётир. Юртимиздан жуда кўплаб ёш мутахассислар Жанубий Корея корхоналарида иш ўрганишяпти. Кейинги йилларда маданий ҳамкорлигимизда яхши натижалар қўлга киритиляпти. «Ўзтелерадио» миллий компанияси намойиш этаётган корейс сериаллари икки миллат дунёқараши, удум ва анъаналарида муштараклик борлигини кўрсатмоқда.

Ўтган ҳафта мамлакатимиз ички ҳаётида энг муҳим воқеа — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг нишонланиши бўлди, десак янглишмаймиз. Бу тантанага тайёргарлик кўриш, жойларда учрашув ва мулоқотлар ўтказишни ҳам назарда тутадиган бўлсак, олтин кузнинг ўтган ҳафтаси ана шу умумхалқ байрами белгиси остида ўтди. Биз устоз ва мураббийларга бошқа ҳеч қаерда Ўзбекистондагидай эҳтиром кўрсатилмайди, деган сўзларни кўп такрорлаймиз. Ҳақиқатда ҳам, шундай. Лекин Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида яратилган бу анъананинг аҳамияти ҳақида баъзан чуқур ўйлаб ўтирмаймиз. Кўз олдингизга келтиринг: бутун жамият нафақат муаллимни, ҳаётда, меҳнатда сабоқ берган устозларни, мураббийларни байрам билан қутлайди. Ҳаммамиз бир-биримиз билан кўришганда ўзаро табриклаймиз. Бу билан «Сиз ҳам шогирдлар тарбиялаяпсиз» демоқчи бўламиз. Шу тариқа турмушда тўғри йўл кўрсатган, эзгуликка йўналтирган кишиларни эъзозлаш, қадрлаш муҳити яратилади. Буларнинг ҳаммаси болаларимиз, нури дийдаларимиз кўз ўнгида кечади. Энди айтинг-чи, шундай анъана таъсирида ўсган авлод эзгу ниятларни кўзламайдими?!

Ҳаётда ёш қалбларга яхшилик уруғини экишдан ғурурланаётган устозларнинг кўнглида туғилган ифтихорни айтмайсизми?! Биз бунга 29 сентябрь куни «Туркистон» саройидаги тантанада гувоҳ бўлдик. Турфа гуллар билан безатилган залга ўқитувчи ва мураббийлар юзидаги қувонч жуда ярашиб тушганди. Саҳнада санъат юлдузлари устозларни энг ажойиб қўшиқлар билан қутлашмоқда, рақсбоп куй янграганда залнинг турли томонларида тантана қатнашчилари беихтиёр ўйинга тушиб кетдилар. Барча уларга қарсаклар билан жўр бўлди. Ҳа, қувонмай бўладими?! Мамлакат Президенти айнан сизга нисбатан «Азизларим, қадрдонларим» деб мурожаат қилса. Бошқа барча табриклар ана шу руҳга монанд бўлса! Ишонинг, бундай эътибор бошқа ҳеч қаерда йўқ!

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди. Ушбу қарорда Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги акциядорлик компаниялари ҳамда давлат тузулмалари билан биргаликда ишлаб чиққан 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастурини маъқуллади. Шубҳа йўқки, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси юртимизда бозор муносабатларини шакллантиришда муҳим босқич бўлади.

**Шоҳруҳ ЖАЪФАРОВ.**

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

**Инглиз ёзувчиси Томас Карлейл "Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир," деган эди. Дарҳақиқат, жисмонан ва маънан соғлом одамгина ўсади, улғаяди, камол топади. Агар унинг организми етарли миқдорда озиқа моддалар ва маъданларга тўйинмаса, бу, албатта, унинг саломатлигига, кайфиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энди, мана бу рақамларга эътибор беринг. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, дунёда ҳозир ҳар куни 300 нафар она темир моддасининг танқислиги туфайли туғиш пайтида вафот этади. 500 нафар чақалоқ фолий кислотасининг етишмаслиги сабабли нуқсон билан туғилади. 40 000 киши эса организмида етарли даражада шу кислотанинг йўқлиги боис инфаркт ва юрак хуружидан оламдан ўтади. Темир моддаси танқислиги туфайли юзага келувчи бу касалликларни бартараф этиш учун бутун дунёда ҳар йили миллиардлаб маблағ сарфланмоқда.**

# СОҒЛОМ КЕЛАЖАК УЧУН — СОҒЛОМ МАҲСУЛОТ

Баъзи касалликлар борки, уларни даволаш бугун оламшумул муаммога айланган. Анемия шундай хасталиклар сирасига киради. Кўпинча биз бу хасталикка эътибор ҳам беравермаймиз. Оддий шамоллашга ўхшаган касаллик деб қабул қиламиз. Аслида эса... ЖССТ мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирда дунё аҳолисининг 40 фоизи шу дардга чалинган. Шунинг учун ҳам, ушбу муаммони, яъни анемия хуружини бартараф этиш инсоният олдида турган асосий вазифалардан бирига айланган, Тиббиётчиларнинг фикрича, анемия ёки бошқача айтганда, камқонликнинг 75 фоизи инсон организмида темир моддаси етишмаслигидан келиб чиқади. Ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларда ҳамда болаларда темир моддасига эҳтиёж 3-5 марта юқори бўлади. Анемия билан оғриган болалар жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қоладилар. Икки ёшгача камқонлик билан оғриган болани кейинчалик даволаб бўлмайди. Ўзбекистонда бу дардга чалинганлар сони анча кўпчиликни ташкил этади. Анемия юртимизда бир йилда 700 нафардан ортиқ чақалоқнинг нуқсон билан дунёга келишига, икки ярим минг нафар боланинг юқумли касалликларга чалиниб вафот этишига, 380 нафар боланинг эса ақлий ривожланиши қийин кечишига сабабчи бўлмоқда.

Албатта, хасталикка қарши курашнинг бир неча усуллари бор. Аммо энг самарали усуллардан бири унни фойдали микроэлементлар билан бойитиш ҳисобланади. Хўш, унни бойитиш нима? У қандай амалга оширилади? Унни бойитиш учун корхоналарда буғдойни янчиш пайтида махсус микроэлементлар ва керакли, фойдали витаминлардан иборат қўшимча ишлатилади. Ушбу қўшимча бир тонна унга 150 грамм миқдорда қўшилади. Бунда уннинг мазаси, ранги ўзгармайди, балки инсон организми учун фойдали маҳсулотга айланади. Шу ўринда бир савол туғилади. Нега гуруч ёки картошка эмас, айнан ун бойитилади? Гап шундаки, биз нонни ҳар куни истеъмол қиламиз. Демак, организмимиз ҳар куни ўзига керакли витаминлар ва темир моддасини олади. Яна бир гап. Мамлакатимизда кўпроқ биринчи навли ун истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам, айнан биринчи навли ун бойитилмоқда. Бундан ташқари, «Соғлом маҳсулотлар» белгисига эга бўлган чет эл унини ҳам бемалол дўконлардан харид қилиш мумкин. Умуман, бундан буён четдан ун маҳсулотлари сотиб олинадиган бўлса, унинг бойитилганига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу масала ҳукуматлараро шартномалар даражасида ҳал этилса айни муддао бўларди.

Ҳозирги кунда дунёдаги 191 мамлакатнинг 48 тасида БМТнинг унни бойитиш лойиҳасига амал қилинмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мамлакатимизда унни бойитиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилган. Шунингдек, Президентимиз томонидан ушбу дастур лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида қарор қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, дастурни амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилган. Ҳозир мамлакатимиздаги дон комбинатларининг ярмидан кўпида ун бойитилган ҳолда чиқарилаяпти. Бу ишга хусусий тегирмонлар ҳам жалб этилди. Тиббиётчиларнинг фикрича, тез кунларда бунинг натижаси кўрина бошлайди.

Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси кўмагида БМТнинг Болалар фонди — ЮНИСЕФ ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси шу мавзуда мамлакатимиз журналистлари учун икки кунлик семинар ўтказди. Тадбир кунлари биз «Кардинал-Трайдинг» хусусий тегирмонига бордик. Тадбиркор Маматқул Саломовнинг таъкидлашича, мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришди. Эндиги асосий вазифа аҳолига сифатли ун етказиб бериш.

Маматқул ака журналистларнинг «Сиз нима учун унни бойитиш дастурига қўшилдингиз? Унни бойитиш туфайли маҳсулотингизнинг нархи ошиб кетиб, касодга учраб қолишдан қўрқмайсизми?» деган саволларига қуйидагича жавоб қайтарди:

— Аввало шуни айтиб қўйишим керакки, ун бойитилганда таннархи қимматлашиб кетмайди. Ҳар килограмм унга атиги бир сўм атрофида қўшилади, холос. Бугун нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунёда рақобат, бозорларни эгаллаш учун кураш бошланган. Кимнинг маҳсулоти талабга жавоб бермаса, у синади. Яқин ойларда мамлактимизнинг барча ҳудудларида бойитилган ун истеъмол қилина бошлайди, барча ун ишлаб чиқариш корхоналари унни бойитиб чиқариб сотишга ўтади. Шундай экан, биз ҳам бу хайрли ишдан четда қолмаслигимиз керак. Бундан ташқари, юқорида айтганимдек, рақобатга бардош бериш учун ҳам унимизни бойитишимиз лозим. Бугун талаб шу. Энг асосийси, баландпарвозликка йўйманглару, ватанпарварлик туйғуси ҳам шу ишни қилишимга туртки бўлди.

Қани энди ҳамма хусусий тегирмон эгалари ҳам шундай фикрлашса.

Одамнинг кучдан қолиши ва беморлик тўшагига михланишига сабаб фақат умрни емирувчи йиллар касри эмас, балки турли хил касалликларни келтириб чиқарувчи — нотўғри овқатланиш ҳамда кам ҳаракатлилик ҳам эканлигини бугун кўпчилик яхши билади. Шифокорлар кўрсатмаларига ҳамиша ҳам амал қилавермайди. Семинарда мутахассислар овқатланиш маданияти ҳақида ҳам ўз фикрларини билдиришди ва журналистлардан буни аҳолига етказишни илтимос қилишди. Уларнинг таъкидлашларича, бизда чой энг севиб ичиладиган ичимлик ҳисобланади. Айрим кишилар суюқ овқатни ҳам чойсиз истеъмол қила олмайди. Кўчада бирор танишимизни учратиб қолсак, «Уйга киринг, чой ичамиз» ёки «Бизникидан ҳам чой ичиб кетинг» деб такаллуф кўрсатамиз. Уйимизга биров келса, олдига аввало нон ва чой қўямиз. **Аслида чой ва қаҳва овқат таркибидаги темир моддасининг организмга сингишига 70-100 фоиз тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам овқат тановули пайтида ёки овқатдан сўнг дарров шу ичимликларни ичмаган маъқул. Орадан 30 дақиқа ўтгач чой ёки қаҳва ичсангиз, у организм учун фойдали. Умуман, қонингизда етарли миқдорда темир моддаси бўлишини истасангиз, бойитилган нон ҳамда витаминларга бой бўлган ловия, мош, дуккакли ўсимликлар, маккажўхори, кўкатларни, янги узилган мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилинг.**

Семинар кунлари тадбирда сўзга чиққан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Реза Ҳоссайни ўз маърузасини чилилик шоирнинг «Менинг исмим бугун» деб номланган шеъри билан бошлади. Унинг мазмуни шундай: боланинг соғлигини, тарбиясини ўйласанг ишни бугун бошла. Бола соғлиги учун бир куннинг ҳам аҳамияти катта. Эртага кеч бўлиши мумкин. Ниҳоятда тўғри топиб айтилган гап. Биз болажон халқмиз. Айрим оилаларда ўнтагача фарзанд вояга етмоқда. Халқимиз ўнта бўлса, ўрни бошқа, дейди. Энди фарзандлар соғлигини ўйлаш вақти етди. Бунинг учун эса, юқорида таъкидлаганимиз, бойитилган ун истеъмол қилишнинг, овқатланиш маданиятига риоя этишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

**Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Ўзбекистон — Россия:*

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқдаки, бу халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Чунки нафақат иқтисодий, балки сиёсий қарашлари ҳам бир-бирига муштарак мазкур икки давлатнинг кўплаб соҳалардаги алоқалари бирдек манфаат келтирмоқда.

### Челябинскдаги самарали музокаралар

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда Жанубий Урал Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган "Ҳамкорлик тўғрисидаги келишув"ни ҳам ана шу муносабатларнинг ёрқин далили сифатида баҳолаш мумкин.

— Ташрифимиз давомида машинасозлик, қурилиш, металл ва ёғочни қайта ишлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда етказиб бериш соҳасидаги бир қатор йирик саноат корхоналари раҳбарлари билан музокаралар олиб бордик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Абдуллаев. — Натижада "Челябинск трактор заводи", "Челябинск компрессор заводи", "Виндал" каби йирик корхоналар, "Экодом" ва "Стройдормаш" савдо уйлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Таъкидлаш жоизки, ўзаро алоқалар давомида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш ҳамда дилерлик алоқаларини ривожлантириш бўйича ҳам амалий қадам қўйилди. Бунга, мамлакатимиз вакили, Савдо-саноат палатасининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Абдуллаев ва Челябинск вилояти иқтисодий ривожлантириш бўйича вазири ўринбосари Игорь Николаевич Лашманов ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида эришилди.

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

*Моддий ва маданий бойликларимизнинг асраб қолинишида божхоначиларнинг хизмати бисёр. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот туманининг «Қорақалпоқ» темир йўл бекатидаги 10-божхона маскани ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини айтиш керак.*

*Божхоначилар асосан темир йўл ҳамда ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришади. Улар юртимиз бойликларининг четга ноқонуний чиқиб кетмаслиги учун тадбирлар уюштиришади. Постда доим ҳушёр туриб, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришни афзал кўришади.*



**СУРАТДА: 10-божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Қувонч Оймуродов «Қорақалпоқ» бекати бошлиғи Генжа Жайлиев билан навбатдаги режалар устида ишламоқда.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

---

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 3 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 916,14 | 1 Малайзия ринггити | 333,71 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2301,23 | 1 Польша злотийси | 392,82 |
| 1 Дания кронаси | 209,15 | 1 СДР | 1816,73 |
| 1 БАА дирҳами | 335,05 | 1 Туркия лираси | 813,31 |
| 1 АҚШ доллари | 1230,54 | 1 Швейцария франки | 982,78 |
| 1 Миср фунти | 214,75 | 1 ЕВРО | 1558,36 |
| 1 Исландия кронаси | 17,54 | 10 Жанубий Корея вони | 12,99 |
| 1 Канада доллари | 1100,86 | 10 Япония иенаси | 104,06 |
| 1 Хитой юани | 155,66 | 1 Россия рубли | 45,95 |
| | | 1 Украина гривнаси | 243,67 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

---

# Бир мақолага икки хил жавоб



**Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Армечан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Жўрабек Набиев» фермер хўжалиги раҳбари Ҳамро Набиевнинг дала шийпонини қайтариб бериш масаласида таҳририятингизга йўллаган хати** *(бу ўринда гап «Халқ сўзи»нинг 17 август сонида чоп этилган «Шийпонимизни қайтариб беринг» мақоласи ҳақида кетяпти, — таҳририят)* **вилоят ҳокимлигининг тегишли мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.**

«Халқ сўзи» назоратида

Ғиждувон тумани ҳокимининг 2005 йил 17 октябрдаги «С. Айний номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида»ги 449-сонли қарори қабул қилингунга қадар С. Айний ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган дала шийпони биноси мазкур ширкат хўжалигининг 2005 йил 21 апрелдаги 8-сонли қарори билан Республика Кўчмас мулк биржасининг «Марказлашган электрон биржа савдолари»га чиқарилган. Ўтказилган биржа савдоларида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

Мазкур дала шийпони биносининг олди-сотди шартномаси Республика Кўчмас мулк биржасида расмийлаштирилганлиги ва уни бекор қилиш суд органлари орқали амалга оширилиши хат муаллифига тушунтирилди.

**О. ЖУМАЕВ,**
**Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари.**

Вилоят прокуратураси томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил 159-сонида чоп этилган Ғиждувон туманидаги «Жўрабек Набиев» номли фермер хўжалиги раиси Ҳамро Набиевнинг «Шийпонимизни қайтариб беринг» сарлавҳали танқидий мақоласи кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Ғиждувон туман прокуратураси томонидан фуқаро Ҳ. Набиевнинг 14.04.2006 йилда вилоят прокурори номига ёзган аризаси юзасидан ўтказилган текширишда тумандаги собиқ С. Айний ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 2005 йил 21 апрелдаги 8-сонли қарордан қалбаки кўчирма тайёрланиб, унда хўжаликнинг 14-бригада ҳудудида жойлашган дала шийпонини «Иззатулло Жасур» фермер хўжалигига сотиш таклифи киритиш тўғрисида сохта маълумотлар киритилганлиги, ўз навбатида мазкур ҳужжатлар Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилоят филиалига тақдим қилиниб, биржа томонидан ушбу фермер хўжалиги номига 0001170 сонли мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат расмийлаштирилган. Шу сабабли ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган электрон биржа савдоларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали директори номига 2006 йил 15 май куни хат юборилиб, ушбу хат Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилоят филиали томонидан 2006 йил 18 май куни ўтказилган йиғилишда кўриб чиқилган. Йиғилиш қарорига мувофиқ 2005 йил 2 июль куни Ғиждувон тумани собиқ С. Айний ширкат хўжалиги томонидан хўжаликка тегишли бўлган «Сеталон» қишлоғи, 14-бригада ҳудудида жойлашган, майдони 5000,0 кв.метрдан иборат бўлган далашийпон биноси ноқонуний сотувга чиқарилганлиги сабабли 2005 йил 20 июль куни Республика Кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказилган «Марказлаштирилган электрон биржа савдолари» натижаларида қарорнинг мазкур дала шийпонига тегишли бўлган қисми бекор қилинган.

Шунингдек, 2005 йил 22 июль куни ўтказилган «Марказлаштирилган электрон биржа савдолари» орқали Ғиждувон тумани «Сеталон» қишлоғи, 14 бригада ҳудудида жойлашган мазкур дала шийпони биноси «Иккиламчи бозорда» фуқаро Ҳалима Ўриновага сотилган бўлсада, дала шийпони биноси «Бирламчи бозорда» ноқонуний сотилганлиги ва савдолари бекор қилинганлиги сабабли, мулкий ҳуқуқ собиқ С. Айний ширкат хўжалигига ўтказилиб, ушбу ширкат хўжалиги тугатилганлиги сабабли дала шийпонига тегишли бўлган дастлабки барча ҳужжатлар тумандаги С. Айний номли ширкат хўжалигининг тугатиш комиссияси раиси Х. Деҳқоновга юборилган.

Ғиждувон тумани прокуратураси томонидан ҳолат юзасидан ўтказилган терговолди суриштирув ҳаракатлари натижасида собиқ С. Айний номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Б. Облоқулов собиқ ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 2005 йил 21 апрель кунидаги 8-сонли қароридан кўчирма нусхасини тайёрлаб, унда 14-бригада ҳудудида жойлашган дала шийпонини «Иззатулло Жасур» фермер хўжалигига Республика кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти бўлимининг электрон биржа савдолари орқали сотиш масаласи кўрилганлиги тўғрисида ҳақиқатда кўриб чиқилмаган ёзувларни киритганлиги, собиқ ширкат хўжалиги ҳисобчиси Фахриддин Қаҳҳоров эса 18.07.2005 йилдаги 61-сонли маълумотнома тайёрлаб, унга мазкур дала шийпонининг қиймати тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниб, бараварлаштирилганлиги тўғрисида сохта ёзувларни киритиб, ҳужжатни қасддан қалбакилаштирганлиги аниқланган.

Тўпланган ҳужжатлардан кўринишича, собиқ С. Айний ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Б. Облоқулов ва бош ҳисобчиси Ф. Қаҳҳоровларнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддасида қайд қилинган, яъни улар мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим қилиш каби ўз хусусиятига, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра унча оғир бўлмаган жиноятни содир этишган.

Аммо уларнинг содир этган жинояти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги Қарорнинг 1 ва 2-бандига кўра, яъни биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар жазо ўташдан озод қилинишлари ҳамда қайд этилган жиноятлар юзасидан тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилиши лозимлиги тўғрисидаги талабига кўра, Ғиждувон тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Ж. Д. Сафаров томонидан 2006 йилнинг 5 май куни Б. Облоқулов ва Ф. Қаҳҳоровларга нисбатан эълон қилинган амнистия акти асосида уларнинг айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 2-банди қўлланилиб, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Бундан ташқари, текширишда Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро филиали томонидан мазкур объект бўйича мавжуд ҳужжатлар бекор қилиниб, Ғиждувон туман ҳокимлигига қайтарилган бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан мазкур дала шийпони биносини ҳақиқий эгасига топшириш, қайта аукцион савдоларни ўтказишни ташкиллаштириш, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш, фермер хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилиб, ҳозирги кунга қадар дала шийпони биноси бўйича қайта аукцион савдолари ўтказилиши ташкиллаштирилмасдан келингани аниқланди.

Текшириш натижаларига кўра, Ғиждувон туман прокуратураси томонидан аниқланган қонунбузиш ҳолатлари, уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш ва келгусида такрорланмаслиги чора-тадбирларини белгилаш тўғрисида 10.09.2006 йилда Ғиждувон тумани ҳокими номига тақдимнома киритилиб, мақолани кўриб чиқиш натижалари фермер Х. Набиевга ёзма равишда маълум қилинди.

**Ж. НИЗАНОВ,**
**Бухоро вилояти прокурори ўринбосари.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**
**Қизиқ, бу жавобларнинг қайси бирига ишонайлик?**

